*1996 йил — Амир Темур йили*

# СОҲИБҚИРОННИНГ НАФОСАТ ОЛАМИ



***Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг.***

***Амир ТЕМУР.***

Буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур шахси шунчалик серқирралики, бугунга келиб ҳам исталган соҳа кишилари ўз фаолиятларида Амир Темур ибратидан илҳомланадилар. Масалан, давлат арбоблари ва раҳбарлар жамият қурилиши ҳамда бошқаришни, саркарда-ҳарбийлар мукаммал ҳарб илмини, меъморлар олий иморатлар қуриш тажрибасини, элчилар дипломатия ва муомала санъатини, ҳуқуқшунослар одил ҳакамликни, иқтисодчи, молия ходимлари ва ҳоказолар ўз фаолиятларида буюк бобокалон тажрибасига мурожаат этмоқдалар. Ҳатто, қалам аҳли, адабиётчилар ҳам соҳибқироннинг адабий даҳосидан ҳар қанча ибрат олсалар арзийди. Амир Темур нозиктаъб инсон, гўзалликни чуқур ҳис этадиган, адабиёт ва санъатнинг қадрига етадиган улуғ зот ҳам эди. Қуйидаги байт ул зоти шарифнинг қаламига тегишлидир:

**Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,**
**Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.**

Ушбу байт Амир Ҳусайн билан муносабатлар ёмонлашганда ёзилган. Бу биринчидан, буюк соҳибқироннинг нақадар уста дипломат ва руҳшунос эканлигини кўрсатса, иккинчидан, таъби назмда ҳам юксак қобилият соҳиби эканлигини намойиш этади.

Алишер Навоий Амир Темурни «Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири соҳибқирон» деб таъриф ва тавсиф қилади ва шундан кейин ёзади: «Темир Кўрагон — анораллаҳи бурҳонаҳи, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқубдирларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор». (Алишер Навоий. «Мажолисун нафоис»).

Сўз ёки байтни ўз ўрнида, «хўб маҳал ва мавқеъда» ўқишлик буюк бобомизнинг моҳир нотиқ эканлигидан дарак эмасми?

Амир Темур номи юртимиз чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг ўтган 130 йил давомида биздан пинҳон тутилди. Янги авлодларга Темур ҳақидаги турли уйдирмалар уқтириб келинди. Аммо сувни ҳарчанд баланд дамба билан тўсилмасин, у ўзанига қайтиш учун тирқиш излайвериши, оқибатда қудратли тўлқин бўлиб отилиши каби, истиқлолимиз шарофати билан Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни билишга қизиқиш кучайиб кетди.

Яна соҳибқироннинг нафосат олами, гўзалликни қадрлашдек нодир хислатларига қайтсак, можор олими Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобида шундай ёзади: «...Жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлар далилдир. Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, ҳазрат Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саховати ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларни қурдиришда кўрсатди...» Тарихда ҳеч бир ҳукмдор Амир Темурчалик кўп ва хўб олий иморатлар қурдира олмаган. Беқиёс Оқсарой... Ҳозир унинг атиги кириш йўлаги — равоқ қолдиқларигина сақланиб қолганлигига қарамай, биз ўшал харобани кўрганда ақллар шошади, беихтиёр «Беқиёс гўзал экан» дея таҳсин ўқиймиз. Мана, 1403 йилда бу ердан Самарқандга ўтаётган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг таассуротлари: «...Бутун бино зарҳал ва ложувард билан қопланган бўлиб, у ерда (Шаҳрисабзда) саройнинг шунча бўлма ва оромгоҳларини кўрсатдиларки, улар ҳақида жуда узоқ сўзлаш мумкин. Сарой зийнатлари олтиндан ва бошқа ранглардан ҳайратомуз ишланган эди. Ҳатто, моҳир усталари билан жаҳонга машҳур бўлган Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланган бўлар эди».

Юқорида айтганимиз — Амир Темур номи пинҳон тутилганлиги оқибатида Ғарб олимлари соҳибқирон ҳаёти тўғрисидаги китобларни чоп этишда биздан анча илгарилаб кетганлар. Бугунга келиб эса, биз уларни ўқиб фақат қойил қоламиз холос. Мана, фаранг адиби Люсьен Кэрэннинг «Темур ҳоқон салтанати» китобидаги ушбу парчага эътибор беринг-а: «Ватанига қайтиб ўз фуқароларининг фаровонлиги учун қайғурадиган халқ отасига айланган саркарда одамлар учун етарли ғамхўрлик қилганига ишонч ҳосил этгач, бутун эътиборини Самарқанднинг гуллаб-яшнашига қаратди ва бу соҳада ҳам ўзининг ажойиб қобилиятини намойиш қилди. У меъморлар тақдим этган лойиҳалар орасида энг яхшисини танлаб олар, улар билан иш режаларини ишлаб чиқар ва ўзи ҳам янги ечимлар таклиф қиларди. У қурилиш ишларини ўзи бошқарар, келиб чиқишидан қатъи назар энг иқтидорли ҳунармандларга ишониб иш топширарди. Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қутлаб, ҳимоясига оладиган Темур турар, бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забт қилувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, анҳорлар қурдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Темур турарди. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳали ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда».

Умуман ҳазрати амир Темур барча соҳаларда ҳам комилликда беназир зот эди. Биз фикр юритаётганимиз унинг гўзаллик, нафосатга ошнолиги ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Соҳибқирон саройидаги ҳашаматлардан ҳайрону лол қолган Руи Гонзалес де Клавихонинг «Кундаликлар»идаги ушбу тасвирга эътибор берайлик. У Сароймулкхонимга тегишли чодирларнинг бирида ғоятда ғаройиб олтин дарахт кўрганлигини шундай тасвирлайди: «Дарахтнинг мевалари сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар ва бошқа думалоқ шаклдаги йирик-йирик тиниқ сара марваридлардан иборат эди. Бу нодир, қимматбаҳо тошлар дарахтга ўйиб ўрнатилган. Бундан ташқари, дарахтга сир билан сайқал берилган қушчалар қўниб турарди. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандай бўлиб, япроқларга зўрға илашиб турибди, айримлари дарахт меваларини еяётгандай ёқут, феруза, марварид ва бошқа тошларни тумшуқларида тутиб турарди. Дарахтнинг баландлиги одам бўйича бўлиб, танаси одам оёғи йўғонлигидаги соф олтиндан ясалган эди».

Бу сатрларни ўқиётиб, беихтиёр ҳаяжонланасиз, беқиёс гўзал манзарани кўз ўнгингизда тасаввур этасиз! Сиз-у биз ҳозирги «техника асри»да энг қимматбаҳо тижорат дўконларида кўрганимиз — хорижда ишлаб чиқарилган қандиллар, мебеллар ёки бошқа қандайдир «гўзаллик намуналари»ни дейсизми бариси юқорида айтилган «олтин дарахт»нинг олдидан ўтаверсин! Буюк бобомизнинг нафосат бобидаги диди бизнинг қосир тасаввурларимиздагидан ҳам неча баробар юқори эканлигидан далолат эмасми бу!

Хуллас айтмоқчимизки, буюк соҳибқирон бобокалонимиз билан фахрланиб, унинг фаолиятини чуқур ўрганар эканмиз ул зотнинг ҳаёти ҳозирги авлодлар учун чексиз уммон эканлиги аён бўлади. Ва уни қанчалик чуқур ўрганмайлик, ҳайратимиз ҳам худди испан элчиси Руи Клавихоники сингари ортиб бораверади.

Сўзимизни зукко юртдошларимиздан бири Иброҳим Ғафуровнинг ушбу ҳайратли сўзлари билан якунламоқчимиз:

«Клавихо Темурбек саройидаги қабул чоғида уни илк кўрган онни чизаркан, кўзи Темурбек тахти олдида суви юксакларга отилган марварид фавворага ва фаввора ичида қалқиб ўйнаган қизил олмаларга тушади. Дунёнинг ярмини забт этган хон олдида ҳар қандай одамнинг ўзини йўқотиб қўйиши, ҳаяжонга тушиши табиий. Бундай пайтда фаввора ҳовузи ичида ўйнаган олтин олмалар эсга келадими? Лекин ҳамон Клавиходай олти ой йўл босиб келган элчи буни эслаб қолган экан, демак, бу бежиз эмас. Мен бу олтин олмаларда халқимизнинг тимсолини кўрдим. Халқимизнинг гўзаллик туйғусини уқдим. Ўзбеклар сувда олма оқиб боришини нақадар севадилар! Бу миллий гўзаллик туйғуси! Қарангки, у шавкатли Темурбекка ҳам хос экан! Темурбек сувда олтин олмалар ўйнаб юришини севаркан.

Темурбек ва олтин олмалар! Қандай қилиб қовуштирмоқ мумкин бу тимсолларни!».

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Ажаб савдолар*

# АВТОБУСДАГИ ҲАНГОМА

Оқшомхонларга тушунарли бўлиши учун гапни индаллосидан бошламоқчиман. 1895 йилда Фарғона заминида туғилиб, Тароз (Жамбул)да вояга етган, илм-фан хазиналарини чуқур эгаллаган, замонасининг маърифатли кишилари сифатида шуҳрат қозонган муфассир (Қуръонни тафсирловчи), ҳадис илмида пешво, адиб ва шоир Саййид Маҳмуд Саййид Назар ўғли Тарозий мудҳиш қатағон йиллари ватанини тарк этиб, умрининг охиригача хорижда яшадилар ва 1991 йилда у зоти олий Мадинада вафот этдилар.

Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон Тўра номи билан шуҳрат қозониб, бутун хориждаги туркистонликларга раҳнамо, пешво, пир ва устоз эрдилар. Қуръони каримни ўзбек тилига биринчи бор шу киши таржима қилганлар.

Ўтган йилнинг 3 ноябрида Жамбул шаҳрида Олтинхон Тўра таваллудининг 100 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтадиган бўлди. Бу анжуманга Наманагандан камина ҳам таклиф этилдим, чунки Олтинхон Тўра ижоди билан қизиқиб, у киши ҳақида мақолалар чоп этганман. Бу табаррук инсон тайёрлаган Қуръон таржима ва тафсирини ҳозирги ўзбек имлосида чоп этишга берганман.

Хаста бўлишимга қарамай, 1 ноябрь куни поезд билан Тошкентга етиб келдим ва шу куни «Тошкент» автобус шоҳ бекатига бориб, 2 ноябрь куни соат 10 да Жамбулга жўнайдиган автобусга олдиндан чипта олиб қўйдим. Эртасига соат 9 дан 30 дақиқа ўтганда автобекатга етиб бордим. Қанақадир сабаб ила белгиланган муддатда автобус юрмайди, дейишди ва чиптамни кассада соат 12.35 дақиқада жўнайдиган 31-09 рейсига алмаштириб беришди. На чора «Бошга тушса, кўз кўрар» мақолига амал қилиб бекатда яна уч соатга яқин ўлтиришга тўғри келди. Хуллас, газета ўқиб, қозоқ болалар билан гаплашиб вақтни ўтказдим.

Соат 12 дан 30 дақиқа ўтганда Жамбул автобуси келди ва жойларимизни эгалладик. Хайрият, дам олиб, маза қилиб кетар эканмиз десак, бутун ҳангома бу ёқда экан. Ҳайдовчи Отчопардан бир неча одамни юки билан олди. Бир чақиримча масофадан кейин автобус яна тўхтади. Бу ерда дарахтлар панасида 10 дан ортиқ қутилардаги юклар бир ёш қоровул бола билан турган экан, эгалари Отчопарда чиқиб олишган экан. Юклар ҳаммаси чиқарилди. Ҳайдовчи хоҳлаган жойда тўхтаб юклари билан одам олиб, уларни хоҳлаган жойда тушириб кетаверди. Йўлда бир неча бор у йўловчилар билан жиқиллашиб олди.

Ҳайдовчида ҳеч қандай муомала маданияти йўқ. Боргунча оврўпоча мусиқани қўйиб, қулоқларни ғоратга келтирди. «Қандай кетаяпсизлар, тўхташ керак бўлса айтинглар» деб ҳол сўраш ҳам йўқ.

Қайсидир бир жойда машина 30 дақиқа тўхтаб турди. Ҳайдовчи кабоб егани кетибди. Шунда «Ҳурматли йўловчилар, бу ерда ошхона бор, хоҳлаганлар тушиб овқатланинглар, автобус ярим соат туради», деб айтиб қўйса бошқалар ҳам тушиб, зарурат ишларини битказиб олишлари мумкин эди. Афсуски бундай бўлмади.

Мен ҳаётим давомида 9 та Ғарб ва 6 та Шарқ давлатларида бўлганман. У ердаги автобуслар хизмати, ҳайдовчилардаги муомала маданиятига тасаннолар ўқир эдим. Умуман «Тошкент» автобекатидан биринчи автобусда юришим. Ёнимдагилардан «Ҳар вақт аҳвол шуми?» деб сўрадим. «Домла, булар автобусни ўзлариники қилиб олишган, нима қилса қилишаверади, биз бунга ўрганиб кетганмиз», дейишди.

Хайрият,Жамбулга етиб бордик. Ҳайдовчи микрофон орқали «Етиб келдик, саломат бўлинглар» деб қўйишга ҳам ярамади. У пул йиғиш «маданиятини» ўрганибдию хизмат кўрсатиш маданиятини ўргана олмабди. Ёш рус йигити экан. Рус тилида «Отингиз ва фамилиянгиз нима?» деб сўрадим. «Нима учун керак сизга?» деди. «Сизга раҳмат айтмоқчиман», дедим. «Сергей Крючовман» деди йигитча. «Тирик олиб келганингиз учун раҳмат» деб автобусдан тушиб кетдим.

Кўриб турибсизки, бу воқеанинг содир бўлганига анча вақт бўлди. Бу ҳақда сўз юритмасам ҳам бўларди. Лекин не ажабки ушбу воқеа ҳайдовчиларга ҳам ибрат бўлса деган умидда уни «Оқшом»га тавсия этдим.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.*

*Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби*

# МАҲСУЛОТ ҲАРАКАТИ ВА УНИ СОТИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида бозорнинг аҳамиятли томони шундаки, бунда харидорлар ўзларига маъқул бўлган маҳсулотнинг баҳоси, сифати, кўримлилиги ва бошқа бир қанча хусусиятларини ҳисобга олганларидан кейингина сотиб оладилар. Яъни харидор танлаш имкониятига эгадир. Товар ишлаб чиқарувчи эса, маҳсулотининг ҳамма хоссалари билан харидорлар талабига мос келадиган маҳсулотни ишлаб чиқарганидан сўнг уни истеъмолчиларга етказишга ҳаракат қилади. Бунда фирманинг тижорат муваффақияти маҳсулотнинг муомала соҳасидаги ҳаракати қанчалик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Аввалги мақолаларимизда айтиб ўтган маркетинг тизимида маҳсулот ҳаракати ва уни сотиш асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан мана шу муаммо натижасида иқтисодиётда маркетинг тизими шаклланиб, кейинчалик у маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб ола бошлади. Авалам бор маркетингда маҳсулот ҳаракати деганда маҳсулотларни режалаштириш, сотиш ва товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтишини ва унга хизмат қилишни назорат қилиш бўйича фаолиятга айтилади. Маҳсулотни ташиш, сақлаш, истеъмолчилар билан алоқа қилиш товар ҳаракатининг элементларини ташкил этади. Товар ҳаракати каналлар орқали амалга оширилади, яъни товар ҳаракати каналлари (ёки тақсимлаш йўли) — тадбиркорнинг ўз маҳсулотларига эгалик ҳуқуқини ўзларига ёки бошқаларга ўтказишга ёрдам беришни ўз зиммасига олган бевосита воситачи ёки сотиш иштирокчиси сифатида чиқувчи ҳамма ташкилот ва шахслардир. Демак, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини бевосита ўзи сотиши ёки билвосита воситалар орқали ҳам бозорга чиқариши мумкин.

Фирманинг маҳсулот ҳаракатининг тўғридан-тўғри каналлари маҳсулот ва хизматларни тўғридан-тўғри воситачиларсиз ишлаб чиқаришдан истеъмолчига ўтишини назарда тутади. Бундай тизим фирмага бир томондан фойдали бўлса, иккинчидан эса зарарлидир. Фирманинг истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиши уни истеъмолчилар талаблари тўғрисида ахборот билан таъминлайди. Натижада истеъмолчилар талабини таъминлаб бориш имкониятига эга бўлади. Аксинча маҳсулот ишлаб чиқарувчи сотишнинг кенг тармоқли тизимини жорий этиши лозимдир, бу эса тадбиркордан кўп харажатларни талаб этади. Шунинг учун фирмалар мустақил воситачилар ёрдамида, яъни алоҳида шахслар, ташкилотлар орқали ўз маҳсулотларини сотиш учун ҳаракат қиладилар. Бунда одатда унча катта бўлмаган фирмалар, яъни ишлаб чиқарувчи маҳаллий чакана дўконлар билан оғзаки битимлар ёки йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эса шартномалар орқали маҳсулотни сотиш шароитлари, баҳоси, воситачилик ҳақи ҳажми ва хизматлар тизимини келишиб оладилар.

Ривожланган мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар истеъмол молларининг асосий қисмини чакана савдо дўконлари орқали сотишади. Бунда улар сотишнинг турли хил рағбатлантирувчи усулларини қўллашади. Масалан, харидорларни жалб этиш мақсадида нархни камайтириб сотиш, буюртма асосида тайёрлаш, турли маслаҳатлар (консультация), қарзга бериш, ёқмаган молни бошқасига алмаштириш ва бошқалар. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма учун чакана савдо дўконлари истеъмолчилар талабини ўрганувчи тадқиқот институти бўлиб ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари харидор телефон орқали, турли хилдаги каталоглар орқали ҳам буюртмалар бериши мумкин. Сотишнинг бу шакли ривожланган мамлакатларда жуда кенг тарқалган.

Маҳсулотни сотишда реклама айниқса жуда катта роль ўйнайди. Сотиш тадбирлари мажмуи ичида реклама марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Фирма довруғини оширишга, ҳисса қўшади,ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида алоқачи бўлиб хизмат қилади. Реклама қуйидаги вазифаларни бажаради:

— ахборот берувчи (янги маҳсулот тўғрисидаги маълумотни ёки мавжуд маҳсулотларнинг янги хусусиятларини истеъмолчига етказиш);

— ишонтириш воситаси (маҳсулотни сотиб олиш зарурлиги тўғрисида истеъмолчини ишонтириш);

— эсга солувчи (маҳсулот тўғрисида хабардор қилиб туриш, яъни истеъмолчига шу товар керак бўлиб қолганда қаерга мурожаат қилиш мумкинлиги ва ҳоказо).

Лекин юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадбиркор рекламани қандай тарзда, қачон беришни, қайси бозорни танлаши, мурожаатни қандай ифодалаш кераклигини аниқлаб олиши лозим. Шунинг учун ҳам реклама беришдан олдин истеъмолчиларни ўрганиш, маҳсулот сифати, баҳоси таҳлилини ва бозор талабини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ҳаракати ва уни сотиш жараёнида реклама истеъмолчиларга ҳаммадан кўра яқин туради. Чунки истеъмолчи барча маълумотни реклама орқали олади. Шундай қилиб маҳсулот ҳаракати ва уни сотишнинг тўғри йўлини танлаган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.*





***Сиз кўриб турган чапдаги сурат «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 18-цехидан олинган. Бу икки илғор ишчи—Маҳамаджон Тешабоев ва Юрий Кирюшин кўп йиллардан буён меҳнат қилиш билан бирга ёшларнинг мураббийси ҳамдир.***

***

***Доно Умарова (чапдан ўнгга), Дилфуза Тошбоева, Ҳалима Маҳсудовалар тайёрлаётган турли хилдаги конфетлар ўз сифати ва мазалилиги билан ажралиб туради. Улар узоқ йиллардан бери «Ўртоқ» қандолатчилик корхонасида меҳнат қилиб келишмоқда.***

***Рустам Шарипов олган суратлар.***

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

***Мустақил республикамизга хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодиётимизнинг келгусида ривожланиши учун муҳим омил бўладиган биринчи галдаги вазифалардандир. Ҳозир қатор хорижий давлатлар билан бу йўналишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Мелкулангара Кумаран Бхадракумар билан суҳбатимиз ҳам ана шу долзарб мавзуда бўлди.***

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига 4 йил ўтган ва бу тарих силсиласида жуда қисқа давр бўлса-да, бу вақт ичида республикангиз сезиларли муваффақиятларга эришди, — дейди элчи. — Ва энг муҳими, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, ўз нуфузига эга бўла бошлади. Келажакка назар ташлар экан, Ўзбекистон раҳбарияти барқарорлик, халқ фаровонлиги ва миллий анъаналарнинг сақланиши ва ривожланишига асосий эътибор қаратяптики, бу Ўзбекистоннинг хориж давлатлари учун ишончли шерик эканлигини кўрсатади. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бундан тўрт йил аввал Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техник соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланганди. Очиғини айтиш керак, ўзаро муносабатларимизни ривожлантириш, ҳамкорликни кенгайтириш, жадаллаштириштириш мақсадида янги йўналишларни излаш даркор. Шу жиҳатдан олганда Тошкентда Ҳиндистоннинг 60 йирик компаниялари иштирокида ўтказилган савдо кўргазмаси ҳам муҳим туртки бўлди. Кўргазма давомида ҳиндистонлик тадбиркорлар мамлакатингизда янги бозор тизими қандай фаолият кўрсатяпти, иқтисодиётда хусусий сектор қай тариқа ривожланяпти, буларнинг барини ўрганиб, ўзлари учун инвестиция масалалари бўйича керакли хулосалар чиқариб Ўзбекистондай йирик ҳамкор билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатишдай муҳим имкониятни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилишди. Зеро, ҳозир Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай шароитлар яратилмоқда, бу соҳадаги қонунчилик такомиллашиб бормоқда, қўшма корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жараёни енгиллаштирилди. Инчунун, Тошкентдаги кўргазмада иштирок этган Ҳиндистон савдо вазири ҳам Деҳлига қайтгач, яқин беш йил ичида Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга бутун куч-имкониятларни қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ва бу борада дастлабки қадам қўйилди. Яқинда Тошкентда Ҳиндистон саноати конфедерациясининг минтақавий ваколатхонаси очилди. Биз ишонамизки, ушбу ваколатхона тез фурсатда мустақил ҳинд бизнес марказига айланиб кетади. Шунингдек, Ҳиндистон тадбиркорлари делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва бошқа шу каби қатор тадбирлар ҳам режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон жуда кенг имкониятлар, катта заҳиравий бойликлар ҳамда улкан минерал хом ашё базасига эга. Хорижлик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда яқин келажакда минерал заҳираларнинг ишлаб чиқилиши натижасида 10 триллион долларлик фойда келиши мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон жаҳон бўйича олтин қазиб чиқариш соҳасида биринчи ўнликда, пахта етиштириш борасида эса учта энг йирик давлат қаторига киради, нефть, газ ва рангли металларнинг йирик запасларига эга. Бугунги кунда Ўзбекистондаги инвестиция соҳасидаги шарт-шароитлар ҳам барча МДҲ республикалари орасидаги энг қулайларидан биридир. Шу сабабдан ҳам келгусида кўплаб ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари ташкил этилишига шак-шубҳа йўқ. Чунончи, яқин фурсатда иккита жуда йирик қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан музокаралар олиб борилади. Уларнинг сони эса ортиб бораверади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги энг катта ютуғи шундан иборатки, у ўзаро манфаатли шартномаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этишга муҳим эътибор билан ёндошади. Бу эса ўз навбатида кўплаб ҳинд тадбиркорларини қизиқтирмоқда. Тошкентда ўз фирмаларини очиб, фаолият бошлагач, улар албатта иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Улар тўғри йўлни танлаганликларига бўлган ишончни эса Ўзбекистондаги мўътадил сиёсий вазият, инвестицияларни жалб этиш борасидаги қонунчиликнинг такомиллашиб бориши ва хусусий бизнесни ривожлантиришни мустаҳкамлайди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
ёзиб олди.

*Излаган имкон топади*

# СИФАТГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Сергелидаги энг йирик «Файз» мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат сарфини камайтириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида янги, замонавий ускуналар ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Словения республикасидаги «Явар» ишлаб чиқариш фирмасидан олинган янги пардозлаш линияси яқин кунлар ичида ишга тушади. Эски линия 17 йил ишлаб, ўзини аллақачон «оқлаган», бора-бора маҳсулот сифати пасайиб, кўп меҳнат талаб қиладиган ҳолга келган эди. Дастгоҳсозликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ясалган, янги компьютерли линия бир қатор афзалликларга эга. Чунончи, аввалги линияда 12-16 киши ишлаган бўлса, ҳозиргисига атиги икки ишчи кифоя қилади. Энг асосийси — чиқарилаётган маҳсулот сифати сезиларли даражада ортди. Линиянинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам юқори — у йилига 1 миллион квадрат метр мебель тахтасига ишлов бера олади.

Айни кунларда словениялик мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу линияни ўрнатиш ва ишга ҳозирлаш ниҳоясига етказилмоқда. Бу янгилик четга маҳсулот чиқариш имкониятларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча Яқин Шарқ мамлакатларидан буюртмалар тушмоқда.

Бобур ҲАСАНОВ.

